

Ishonch

2019 йил 2 май • пайшанба • № 56 (4185)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ХАЛҚИМИЗ ЭРТАСИДАН ЭМАС, БУГУНИДАН РОЗИ БЎЛИБ ЯШАШИ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, аҳоли билан мулоқот қилиш мақсадида 30 апрель – 1 май кунлари Сурхондарё вилоятида бўлди.

Ташрифнинг иккинчи куни Термиз шаҳрида халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтган сессияда вилоят фаоллари, депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, нуронийлар, тадбиркорлар, фермерлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев сессияни очиқ мулоқот тарзида ўтказишни таклиф қилди.

– Ҳақиқий аҳволни гапирган одам бизга дўст. Учрашувимиз ҳамма масалаларни жой-жайига қўйиш бўйича фойдали бўлсин, – деди давлатимиз раҳбари.

Фойдали қазилмаларга бой, табиий иқлим шароити йилига уч мартагача ҳосил олиш имконини берадиган, аҳолиси меҳнатсевар Сурхондарё вилояти салоҳиятининг ҳали ўндан бири ҳам ишга солинмагани қайд этилди. Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот мамлакатимиз кўрсаткичидан 2,3 баробар, хизмат кўрсатиш 2 баробар, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш 8 баробар кам экани кўрсатиб ўтилди. Вилоятда иқтисодий фаол аҳолининг 10 фоизи ишсиз, тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 54 фоиз экани танқид қилинди.

Шу каби масалаларни ҳал этиш, вилоятни ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида 2019-2020 йиллар учун умумий қиймати 23 триллион 632 миллиард сўмлик

649 та инвестиция лойиҳаси режалаштирилган. 2,2 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш, 11,5 минг иш ўрни яратиш мўлжалланган.

Сурхондарёнинг ўзига хос хусусияти ва имкониятларидан келиб чиқиб, чет эл инвестициясини жалб этган ҳолда замонавий корхоналар ташкил этиш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли ва маҳаллий бюджетлар даромадини кўпайтириш, ҳудудни комплекс ривожлантириш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилояти ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича

биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб келаётган Тўра Боболов номзодини вилоят ҳокими лавозимига тавсия қилди.

Тўра Боболов 1970 йилда туғилган. Меҳнат фаолиятини Давлат мулк қўмитаси вилоят бошқармасида ҳисобчиликдан бошлаган. Кейинчалик Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси, вилоят ҳокимлигида ҳудудларни комплекс ривожлантириш бошқармаси бошлиғи лавозимларида ишлаган.

Халқ депутатлари Тўра Боболов номзодини маъқуллади ва у Сурхондарё вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Президентимиз Термиз шаҳридаги тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «ZIF TEXTILE» масъулияти чеклан-

ган жамияти фаолияти билан танишди.

Ушбу замонавий корхона барпо этиш учун 2017 йили Термиз темирйўл шифохонасининг қурилиши тугалланмаган тўрт қаватли биноси лойиҳа ташаббускорларига 16 миллиард сўм инвестиция киритиш шарти билан «ноль» харид қийматида берилган эди. Ўтган қисқа вақтда мазкур иншоотда йирик ҳажмда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Тикув цехлари, омборхона ва бошқа қўшимча хоналар бунёд этилди. Ишчиларнинг унумли меҳнат қилиши ва дам олиши учун зарур қулайликлар яратилди. Германия, Италия, Туркиядан замонавий тикувчилик дастгоҳлари келтириб ўрнатилди.

2»

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

**Т.А.БОБОЛОВНИ
СУРХОНДАРЁ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМИ
ЛАВОЗИМИГА
ТАЙИНЛАШ
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ;

Тўра Абдиевич Боболов Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон
Республикаси
Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 1 май

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

**МУБОРАК РАМАЗОН
ОЙИНИ МУНОСИБ
ТАРЗДА ЎТКАЗИШ
ТЎҒРИСИДА**

Тобора ривожланиб, чирой очиб бораётган жонажон Ватанимизда миллий ва диний қадриятларимизга бўлган ҳурмат ва эътиборни янада мустаҳкамлаш, эл-юртимиз учун азалдан эзгулик, саховат, меҳр-муруват рамзи бўлиб келаётган муборак Рамазон ойини муносиб ўтказиш, ушбу ойда ислом динининг тинчлик, бағрикенглик, шукроналик каби олижаноб ғоялари ҳамда инсонпарварлик моҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида:

1. 2019 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 6 май кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини миллий анъана ва қадриятларимиз руҳида ҳар томонлама муносиб ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин. Бунда:

жойларда Рамазон ойининг мазмун-моҳиятида муҳассас бўлган инсонийлик, маънавий поклик, шукроналик қадриятларини эъзозлаш, ҳозирги тинч ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етиш, одамларни бир-бирига яхшилик қилиш, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб яшашга даъват этадиган ҳамда улғайиб келаётган ёш авлодни она Ватанга садоқат, миллий ва диний қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган **маърифий тадбирлар ва тарғибот ишларини ташкил этишга;**

муруват, аҳиллик ва ҳамжиҳатликни улуғловчи ушбу қадриятли ойда эҳтиёжманд ва ёрдамга муҳтож оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, буюк алломалар, азиз-авлиёларимизнинг зиёратгоҳларини, қабристонларни ободонлаштиришга қаратилган **тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият берилсин.**

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 1 май

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИНГ:



Халқаро ҳамкорлик

Ягона мақсад йўлида

Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касба уюшмаси томонидан бир қатор хорижий турдош касба уюшма ташкилотлари билан жиддий ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, жумладан, 2017-2018 йилларда Халқаро Евроосиё металл ишчилари Федерацияси ва унга аъзо Россия машинасозлар, Украина машинасозлар ва асбобсозлар ишчилари, Қирғизистон кон-металлургия саноати ходимлари, Қозоғистон тоғ-металлургия саноати касба уюшмаси – «Казпрофметалл», Тожикистон тоғ-металлургия саноати ишчилари касба уюшмалари билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Келишувлар имзоланган.

Тошкент шаҳрида яқинда ташкил этилган Халқаро Евроосиё металл ишчилари Федерацияси Марказий қўмитасининг 47-йиғилиши мазкур халқаро алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Маълумки, Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касба уюшмаси Халқаро Евроосиё металл ишчилари Федерациясининг 1994 йилдан буён аъзо ташкилоти таъсисчиларидан биридир. Туркия пойтахти Анкара шаҳрида жойлашган мазкур ташкилотга 1994 йил 13 февралда асос солинган бўлиб, у металл саноати ишчилари халқаро касба уюшмаларининг бирлашмаси ҳисобланади.

2011 йил март ойида Халқаро Евроосиё металл ишчилари Федерациясининг VI Қурултойида Федерациянинг Президенти этиб сайланган «Турк Металл» касба уюшмасининг ёш ва фаол



раҳбари Певрул Кавлак 2014 ва 2017 йилларда ҳам ушбу лавозимга қайта сайланди.

Бугунги кунда Евроосиё минтақасининг 19 та мамлакатидagi 20 миллиондан ортиқ ишчиларни бирлаштирган 79 та касба уюшма ташкилоти Федерацияга аъзо ҳисобланади. МДХ мамлакатлари, шунингдек, Болгария, Босния, Македония, Албания, Туркия, Иордания, Эрон ва Шимолий Кипр давлатларидаги ташкилот-

лар шулар жумласидандир.

Федерациянинг асосий мақсади бандлик кафолатини таъминлашга эришиш ва металл саноати ишчилари фаровонлигини ошириш, уларга хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш, шу билан бирга, ишчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ва маданий томондан ривожлантиришдан иборат.



Ўзбекистон
Республикаси
Олий Мажлиси
Сенати ўн
тўққизинчи ялпи
мажлисининг
очилиши
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси 2019 йил 3 май куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИ СЕНАТИ
АЪЗОЛАРИНИНГ
ДИҚҚАТИГА!**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2019 йил 2 май куни соат 9:00 дан 18:00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойсёиди рўйхатга олинади.

ХАЛҚИМИЗ ЭРТАСИДАН ЭМАС, БУГУНИДАН РОЗИ БЎЛИБ ЯШАШИ КЕРАК

«1. Йирик лойиҳани ишга тушириш учун 16,6 миллион доллар сарфланди. Унинг 10 миллион доллари тижорат банкининг кредит маблағидир.

Давлатимиз раҳбари мазкур корхонада бўлиб, тикувчилик маҳсулотларини кўздан кечирди, ишчи-хизматчилар билан суҳбатлашди.

Президентимиз бу каби замонавий корхоналарни кўпайтириш орқали пахта хомашёсини қайта ишлашни, тайёр маҳсулот экспортини кенгайтириш зарурлигини қайд этди.

Лойиҳа ишга туширилиши билан 1000 та иш ўрни яратилди. Корхона жорий йилда 29,4 миллион доллар қийматидаги болалар ва катталар кийими, жинси шим каби тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва 8,8 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилишни режалаштирган. Келаси йили бу ерда 38,2 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва унинг қарийб ярми чет эллик буюртмачиларга етказиб

берилади. Шу тариқа 2021 йилда корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш куввати 49,6 миллион долларга етади, йилига 34,7 миллион долларлик тайёр маҳсулот экспорт қилинади.

Давлатимиз раҳбарига Термиз шаҳридаги «Nova pharm» Ўзбекистон – Ҳиндистон фармацевтика қўшма корхонаси, Термиз шаҳрининг бош режаси, Термиз туманидаги Султон Саодат зиёратгоҳини таъмирлаш ва атрофини ободонлаштириш, шунингдек, вилоятга инвестиция киритишга масъул этиб белгиланган мамлакатимизнинг Австрия, Тожикистон, Япония ва Афғонистондаги дипломатик ваколатхоналари кўмағида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

Шу ерда «Киномобиль» – Ўзбекистондаги биринчи инновацион кинотеатр лойиҳаси тақдими ўтказилди. MAN автомобиллари ўрнатилган мобиль кинотеатр вентиляция, иситиш-совутиш тизими билан жиҳозланган. Томошабинлар

фильмларни 2D ҳамда 3D форматда кўриши мумкин.

Инновацион мобиль кинотеатрни ишга тушириш учун 30 дақиқа кифоя қилади. Кўчма кинотеатр 80 томошабинга мўлжалланган. Ушбу лойиҳа юртимизнинг олис ва чекка ҳудудларида яшовчи аҳоли, айниқса, болалар ва ўсмир-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, маданияти ва маънавиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Яна бир аҳамиятли жиҳати ёшлар мазкур мобиль кинотеатрда «Экрандаги китоб» (экранлаштирилган бадиий асарлар) туркумида сеvimли фильмларни кўриш, жаҳон ва ўзбек адабиёти намояндалари ҳаёти ҳамда асарлари билан танишиш, китоб ва фильм муаллифлари билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш имкониятига эга бўлади.

Ушбу инновацион лойиҳа Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббусга ҳамоҳангдир. Яъни, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг мутлоага

мехрини оширишга хизмат қилади.

«Cinema Servis» масъулияти чекланган жамияти бу лойиҳани Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан ҳамкорликда амалга оширмоқда.

Президентимизга мамлакатимиз ҳудудларида замонавий кинотеатрлар тармоғини барпо этиш лойиҳаси тўғрисида ҳам маълумот берилди. Кўни кеча премьераси ўтказилган «Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий» ҳужжатли фильми намойиш этилди. Бу фильм сурхондарёликларга Рамазон ойи тўғрисида сифатида вилоятнинг чекка ҳудудларида ҳам яна ўн кун намойиш этилиши қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари ҳудудларида замонавий кинотеатрлар тармоғини қуриш лойиҳасини ўз вақтида ва сифатли яқунлаш юзасидан топшириқлар берди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи яқунлади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

Ягона мақсад йўлида



«1. Ташкилот томонидан энг самарали усул сифатида кенг қўланил ўқув дастурлари олиб борилди. 1994 йилдан бугунги кунга қадар Анқара шаҳридаги Федерациянинг ўқув марказида «Замонавий дунёдаги меҳнат-кашлар ва касба уюшмаларининг интеграцияси» мавзусида бўлиб ўтган семинарларда аъзо мамлакатлардан 60 мингдан ортиқ меҳнаткашлар ва касба уюшма фаоллари иштирок этди.

Федерация, шунингдек, миллий касба уюшмаларига касба уюшмаси фаолиятининг марказлашган тури бўйича замонавий моделга ўтишда ёрдам кўрсади. Чунки фаолиятнинг мазкур тури бозор иқтисодиёти шароитида ўз самарасини исботлади.

Бундан ташқари, турли хил касба уюшма лойиҳа ва дастурларини биргаликда амалга ошириш учун Федерация ахборот аламинувини таъминлаб беради, металл саноати ишчиларига оид масалаларда миллий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади, уларни моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлайди, аъзо ташкилотларга ижтимоий-иқтисодий масалаларда амалий кўмак беради.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг катта мажлис заллида бўлиб ўтган мазкур ташкилот Марказий қўмитасининг 47-йўналишида «Турк Иш» Туркия касба уюшмалари Конфедерацияси Президенти Эргун Аталай, Халқаро Евроосиё металл ишчилари Федерацияси Президенти Певрул Кавлак, бош қотиби Исмаил Дурсун, Россия, Украина, Беларусь, Арманистон, Болгария, Қозғоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Шимолий Кипрдаги турдош касба уюшма ташкилотларидан жами 31 нафар аъзо иштирок этди.

Йиғилишда, шунингдек, Ўз-

бекистон касба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти ва бўлим мудири, касба уюшмалари Республика кенгашлари ҳамда тасарруфдаги ташкилотлар раҳбарлари қатнашди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қ.Рафиков йиғилишни кириш сўзи билан очди. Ўз навбатида, Халқаро Евроосиё металл ишчилари Федерацияси Президенти Певрул Кавлак Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раҳбариятига самимий қўллаб-қувватлов учун миннатдорлик билдирди.

Марказий қўмита аъзолари ўз фаолияти юзасидан, қолаверса, мамлакатларидаги ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги ривожланиш тўғрисида маълумот бердилар.


Йиғилишдан сўнг Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касба уюшмаси ҳамда бир нечта мамлакатлар турдош касба уюшма ташкилотлари ўртасида ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик тўғрисида Келишувлар имзоланди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси номидан ташкил қилинган қабул маросимида меҳмонлардаги Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касба уюшмаси раиси А.Хакулов эсдалик совғалари топширди. Тадбирда, шунингдек, Туркиянинг Ўзбекистондаги факултетида муҳтор элчиси муовини Сержан Эвжин қатнашди.

Дастурга асосан хорижлик меҳмонларнинг Самарқанд ва Тошкент шаҳридаги тарихий ва диққатга сазовор жойларга ташрифи уюштирилди.

Шодия АЮПОВА,

Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашнинг ташкилий ишлар бўйича бош мутахассиси



Жиззах
вилояти

Оғрик ташлар...

2015 йилнинг 2 ноябрь куни кечки пайт «иш жараёнида» (барча белгиланган иш вақти тугаган бўлса-да) бахтсиз ҳодиса содир бўлди: Жиззах шаҳридаги «Зилов» маҳалласи ҳудудидagi оқова сув қувурларини ётқизиш вақтида чўқурликда ишлаётган ўткир Маматқуловнинг қўлига тепадан каттагина асфальт бўлағи кўчиб тушди. Республика шошилинч тез тиббий ёрдам марказининг Жиззах филиалига олиб борилган ў. Маматқулов уч кун ичида икки марта операция қилинди. Иккинчи операцияда чап қўлнинг тирсақдан пастки қисми кесиб ташланди.

«Югур-югур»ларнинг чеки йўқми?



ликни тўлаш бўйича тақдимнома киритди. Аммо у қаноатлангандир. Бу орада Кенгаш фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судига даъво аризаси киритди.

Суднинг ҳал қилув қарорига асосан жабрланувчи ўткир Маматқулов фойдасига олти миллион икки юз етмиш минг уч юз ўттиз олти сўмлик тоvon пули ва бир миллионлик маънавий зарар ундириб берилди. Орадан бир неча ой ўтгач, иш берувчи тоvon пулини тўлашни яна «эсдан чиқарди». Бу гал жабрланувчи «Халқ қабулхонаси»га мурожаат қилди. У Жиззах вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига юборилди ва олдинги эски «сценарий» такрорланди: фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг қарорига асосан қаноатлангандир ва жабрланувчига беш миллион сўм тоvon пули ва икки миллион сўмлик маънавий зарар ундирилган бўлди.

— Суднинг қароридан кейин ҳам тоvon пули ва маънавий зарарини ўз вақтида олмаганман, — дейди ўткир Маматқулов. — Бу сафар ҳам шундай бўлади, шекилли... Менга тоvon пулини ўз вақтида бериб туришса, бас. «Югур-югур»дан чарчадим...

Амалдаги ҳуқуқий ҳужжатларга асосан иш берувчи бир умрга ногирон бўлиб қолган ўткир Маматқуловга ҳар ойда ўртача ойлик маошнинг 70 фоизи миқдорда тоvon пули тўлаши лозим. Аммо бу ишни пайсалга солишдан муддаоси нима? Қолаверса, ўз билгича тоvon тўламаса нима қилиш керак? Умуман, ногирон бўлиб қолган собиқ ходим тақдирига, ҳуқуқий ҳужжатлар суднинг ҳал қилув қарорларига иш берувчининг бу тарзда бепасанд муносабатда бўлишига қарши бирор чора йўқми? Бунга мутасаддилар нима дейди?

Алижон АБДУРАХМОНОВ,
«ISHONCH»



Бухоро
вилояти

Кўрик-танлов

Энг яхшилар аниқланди

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши «Электр энергияси ва ёқилғи-энергетика ресурс-

ларини тежаш бўйича энг яхши бошланғич касба уюшма ташкилоти» тармоқ кўрик-танловининг вилоят босқичи якунлари бўйича тақдирлаш маросимини ўт-

казди.

Тармоқ тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг 11 та бошланғич касба уюшма ташкилоти фаол иштирок этган кўрик-танловда 1-ўрин вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Махсус эксплуатация монтаж бўлими, 2-ўрин Ипотека банки Бухоро вилояти филиали ҳамда 3-ўрин Давлат хавфсизлик хизмати Бухоро вилояти бошқармаси бошланғич касба уюшмаларига насиб этди.

Ғолиблар шаҳар кенгашининг эсдалик совғалари ва дипломлари билан тақдирланди.

Т.ҚУЛИЕВ,

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши раиси



Қашқадарё
вилояти

Бахтсиз ҳодисаларнинг тури кўп. Уларнинг сабаб ва оқибатлари ҳам турлича. Бироқ уларга хос битта умумий хусусият бор: бепасандлик!

Мисолларга мурожаат этамиз. Деҳқонobod тумани ҳудудидан ўтувчи Тошкент-Термиз автомобиль йўлининг 1277-километрида Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига тегишли бўлган «HUNDAI – H» русумли тез тиббий ёрдам автомашинаси ва автогрейдер ўртасида тўқнашув содир бўлган. Ушбу «бахтсиз ҳодиса» натижа-сида шифокорлар Ҳ.Каримов, А.Бобоназаров, ҳайдовчилар Ш.Ғиёсов ва Т.Тўрақулов оғир тан жароҳати олишган. Маълум бўлдики, ҳайдовчининг «Йўл ҳаракати қоидалари»га риоя қилмагани, автомашина салонидagiларнинг хавфсизлик камаридан фойдаланмагани оқибатида улар оғир даражада тан жароҳати олган.

— Ҳайдовчининг ёнидаги ўриндик «ўлим креслоси» деб ҳам аталади, — дейди Қашқадарё вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Анвар Хўжақулов. — Чунки автоҳалокат пайтида бу ўриндикда ҳайрон одамнинг ҳалок бўлиш эҳтимоли ҳайдовчига нисбатан 7 баробар, орқа ўриндикда ўтирган одамга нисбатан 5 баробар кўп бўлади. Бу ўринда транспорт воситасининг тезлиги ҳам катта аҳамиятга эга.

Масалан, 50 км/соат тезликда кетаётган транспорт воситаси тўсиққа ёки авто-транспортга урилганда транспорт воситаси ичидаги отилиб чиққан одамнинг жароҳати 5-қаватдан йиқилган, 80 км/соат

ҲИҚМАТ

Қаердаки лоқайдлик – у ерда хато, қаердаки совуққонлик – у ерда жиноят бор.

Г. ЛИХТЕНБЕРГ

БЕПИСАНДЛИК панд бермасин

Мутахассисларнинг айтишича, ҳар 100 та ҳалокатли йўл-транспорт ҳодисасининг 75 тасида, ағдарилиб кетган ёки содир этган автотранспорт воситаларида ҳар 100 нафар йўловчидан 91 нафарининг ҳаётини ушбу камар сақлаб қоларди. Бу жорий этилганга бир аср бўлган хавфсизлик камарини ҳақиқатда тақиб юриш зарурлигини аниқлади. Афсуски, кўпчилик ана шу оддий қоидага риоя этмайди. Бундан келиб чиқадики, хавфсизлик камари муқаррар ўлим билан яқунланадиган бахтсиз ҳодисаларда ҳайдовчи ва йўловчиларни 90 фоизга қадар ҳалокатдан сақлаб қолади.

«Нишон тумани электр тармоқлари» корхонаси электромонтёри Даврон Тўраев рухсат этилмаган кучланишли масофага яқинлашгани боис ҳаётдан кўз юмган. Марҳумнинг оиласига 125 млн. 938 минг 214 сўм миқдорда бир йўла бериладиган нафақа пули тўлиқ тўланди,

ҳар ойда 201 минг 523 сўмдан зарар тўловлари ҳам тўлаб берилмоқда.

«Муборак тумани электр тармоқлари» корхонаси электромонтёри Нурбек Хўжаев ҳам шундай ҳолатда вафот этган. Корхона Нурбек Хўжаевнинг қарамоғидagi шахсларга боқувчисини йўқотганлик учун 68 млн. 634 минг сўм бир йўла бериладиган нафақа, фарзанди учун 472 минг 662 сўм ойма-ой тўланадиган зарар тўловларини тўлаб берди.

Ғузур тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ободонлаштириш бошқармаси боғбони Қодиржон Жўраев трактор тиркамаси-

ҳар ойда 201 минг 523 сўмдан зарар тўловлари ҳам тўлаб берилмоқда.

«Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 159-банди талаблари бузилгани, яъни одам ташвиш тақтилган бўлса-да, юк ташилладиган тиркамга одамлар чиқишининг олди олинмагани, шунингдек, ходимларнинг хавфсиз иш услублари бўйича ўқитилмагани, билимлари синалмагани ва йўриқномадан ўтказилмагани натижасида содир бўлди. Бахтсиз ҳодиса оқибатида Қ.Жўраевга Деҳқонobod тумани 3-сонли тиббий меҳнат эксперт комиссияси томонидан 2-гuruh ногиронлиги белгиланиб, унга иш берувчи моддий ёрдам кўрсатган бўлса, «Ўзгроссгурта» АЖ Ғузур тумани бўлими қонунчиликда белгиланган тоvon пулини тўлаб берган.

Қарши шаҳар «Сувоқова» филиали чилангари Муроджон Худоёров ва машинист Отабек Сафаров «Боғишамол» МФЙ ҳудудидagi насос станцияси кана-

лизация қувуридаги носозликни тузатиш мақсадида қувурни очишган. Қувур ичида ўткир ҳидли газ (водородсульфид) сизиб чиқиши оқибатида улар вафот этган. Ушбу «бахтсиз ҳодиса» Қарши шаҳар «Сувоқова» филиалида юқори хавфга эга бўлган ишларни бажаришда ишларни хавфсиз олиб бориш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилмагани, шунингдек, содир бўлиши эҳтимоли тутилган аварияларнинг олдини олиш, бартараф этиш ҳамда ташкилий-техникавий ишларни бажаришда соғлом ва хавфсиз иш услубларини жорий этиш бўйича тегишли тадбирлар амалга оширмагани натижасида содир бўлган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

...Эрта тонгда уйдан оиласи, болалари билан хуш кайфиятда, соғ-саломат хайрлашиб, ишга кетган кишиларнинг эсон-омон қайтиши нимага бўлган? Бахтсиз ҳодисалар оқибатида қайсибир оилалар боқувчисидан айрилиб, қон йиғлаб қолди. Босиқа бир ходим эса ногирон бўлиб, ўзи ҳам энди бировнинг ёрдамига муҳтож. Албатта, тоvon пуллари тўланар, моддий ёрдамлар берилар, назоратни усайтирган масъуллар жарималарга ҳам тортилган... Аммо булар кемтик бўлиб қолган бахтни бутун қила оладими?

Хулоса шуки, ҳеч бир нарсига беписандлик ё бепарволик билан қарамасангиз зарур. Меҳнат муҳофазаси ва йўл ҳаракати қоидаларига доимо риоя қилиш – «бахтсиз ҳодиса»ларнинг олдини олишга хизмат қилади. Бу бурчни бажариш жамиятга фойда келтиради. Зеро, соғлиқ – бебаҳо бойликдир.

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

«Ёниқ сўз» ва ёниқ қалб билан...

Адабиёт шимиди ўзига хос
мактаб яратган олим
Қозоқбой Йўлдош
Олами ҳақида

Очиғини айтишим керак: Қозоқбой Йўлдошнинг 1998 йили Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) ўзбек филологияси факультетида тўғридан-тўғри декан бўлиб келиши кўпчилик учун, шу жумладан, камина учун ҳам қўтилмаган ҳол бўлганди.

Университетнинг ўша вақтдаги ректори академик Тўрабек Долимов Қозоқбойни, умуман, танимас эди, у гуманитар факультетлар қатори ўзбек филологияси факультети ҳам республикамизнинг етакчи олимларини, профессорларни кўпроқ жалб қилишни истарди холос. Факультетимизда эса ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси фани бўйича на фан номзоди ва на доктори бор эди. Иккинчидан, назаримда, бу ишда профессор Беғали Қосимовнинг тавсияси ҳал қилувчи аҳамият касб этган бўлса керак. Тўрабек ака Беғалини инсон ва олим сифатида қаттиқ ҳурмат қилар ва унга ишонар эди. Бўлмаса, ўша вақтларда факультетимизга декан бўлиш иштиёқиди бўлган етакчи домлалар, иқтидорли ёшлар оз эмасди.

Профессор Қозоқбой Йўлдош факультетимизга янги рух, янги аҳамият олиб келди. У бунгача Гулистон давлат университети ўзбек филологияси факультетида бир неча йил декан, Қори Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтини илмий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатган ва ташкилотчи-олим сифатида ҳам катта тажриба ортирган эди. Шундай бўлса-да, О.Шарафиддинов, Л.Қаюмов, У.Норматов, Б.Қосимов, Ш.Рахматуллаев сингари йигирмага яқин атоқли филолог-профессорлар фаолият кўрсатётган кучли жамоага ўз қарашларини, фикрини ўтказишнинг ўзи бўлмасди. Ўша кезлар бир илмий анжуманда атоқли олим, профессор Акрам Каттабеков (қадрдон дўстимни Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) билан бирга қатнашишга тўғри келди. У сирдарёликларга хос ҷўрт-кесарлик билан: «Факультетга Қозоқбойни декан этиб тайинлабсизлар, Тошкентда ўзбек қуриб қолдимиз?» деб ҳазил қилган эди.

Қозоқбой Йўлдош Миллий университетда кишилар қалбига йўл топа оладиган раҳбар сифатида ҳам, изланувчан олим сифатида ҳам домлар эътиборини қозонди.

Ҳикмат

Адабиёт — фикр, туйғуларимиздаги тўлқинларни сўзлар, гаплар ёрдами билан тасвир қилиб, бошқаларда ҳам худди шу тўлқинларни яратмоқдир. Бу таъриф адабиётнинг тўғри таърифидир. Шу билан ёзилган асарларга адабий асар дейилади.

ФИТРАТ

Агар профессор Қозоқбой Йўлдош фаолиятига разм солар эканмиз, унинг икки катта, шу билан бирга, бир-бирига боғлиқ икки соҳада: адабиёт ўқитиш методикаси ҳамда ўзбек филологияси (кенг маънода) соҳасида мукаммал, бетақдор асарлар яратганлигининг гувоҳи бўламиз. Олим бу икки соҳанинг бирини иккинчисидан ортқ ёки кам кўрмади, икковини ҳам ўзи учун қадрдон билди. Дарҳақиқат, ҳар қандай фани чукр билмасдан туриб, унинг ўқитиш методикаси ҳақида фикр юритиб бўлмайди. Шунингдек, ҳақиқий методист олим педагогика, психология, мантиқ фанларини ҳам юқори даражада билиши шарт. Бу ҳолат Қозоқбойнинг адабиёт ўқитиш методикасига оид асарларида кўзга яққол ташланади.

Қозоқбой Йўлдош илмга филолог – адабиётшунос олим сифатида кириб келди. У 1985 йили «Ўзбек сатирик ҳикояларида характер тасвири эволюцияси» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. Аммо унинг кейинги фундаментал илмий тадқиқоти адабиёт ўқитиш методикасига бағишланди. 1997 йилда эса «Янгилашган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари» мавзусида педагогика фанлари доктори илмий даражаси учун ёзилган диссертациясини ҳимоя қилди. Ҳақиқатан ҳам бу тадқиқот адабиёт ўқитиш методикасига туб сифат ўзгартириш – янгилаш эди. Ҳар қандай янгилик тақдирини силлиқ келмаганидек, Қозоқбой Йўлдошнинг методика илмини тубдан янгилашга қаратилган ушбу иши ҳам кескин курашлар, асаб-бузар тўқинликлар жараёнида ўзига йўл очиб борди. Диссертант биринчилардан бўлиб, жаҳон педагогикаси илмида кенг қўллана бошланган интерфаол методининг асоси – таълимда ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорлиги («ҳамкорлик педагогикаси» тушунчаси шундан олинган) масаласини олиб кирди. Профессор Қундузой Хусанбоевнинг сўзлари билан айтганда, «...бугун Қозоқбой Йўлдошнинг қарашлари мактаб адабий таълимига сингиб, унинг ўзининг бутунлай ўзгартириб юборди, таълим тизимида ҳамкорлик педагогикаси деган тушунча оддий ҳолга айланиб кетди».

Шуни ҳам унутмаслик керакки, талаба ва ўқитувчи ҳамкорлиги масаласига бундан бир неча аср муқаддам биринчилардан бўлиб буюк мутафаккир ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек мударрислик фаолиятида алоҳида эътиборини қаратган, талабалар билан мударрис ўртасидаги кўз илғамас дорни олиб ташлаган эди. Бу ўз навбатида, ўқитишда диспут-мунозара усулининг асосини ташкил қилар эди. Шунинг учун ҳам узоқ ўтмишда кўп мадрасаларда икки минбар бўлган: иккинчи минбарда талаба ўз фикрларини эркин исботлашга ҳақарат қилган. Бундай мунозара домла – мударрис обрў-эътиборига заррача салбий таъсир кўрсатмаган, аксинча, улар ўртасида самимиятни, илмий ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаган.

Педагог-олим йиллар давомида адабиёт ўқитиш соҳасидаги излашларининг мантиқий якуни сифатида 1996 йилда «Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари» асарини босмадан чиқарди. Бу асар мактабларда адабиёт фанини ўқитишда, айниқса, миллий рух уфуриб турган ада-

биёт дарсликлари, мажмуалари, ўқув ва методик қўлланмалар яратишда ҳар бир методист-олим ва ўқитувчи учун методологик асос бўлиб келмоқда.

Қозоқбой Йўлдош раҳбарлигида қардош қўшнларимиз Қозғистон ва Қирғизистондаги ўзбек мактаблари учун ўзбек адабиётидан ўндан ортқ мукаммал дарсликлар яратилди. Унинг илм соҳасидаги фаолиятини давом эттириб, бир неча шоғирдлари номзодлик ва докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар.

Қозоқбой домла адабиётшунос олим сифатида ҳам ўзига хос услуб яратди. Бу шундай услубки, уни бошқаларнинг битикларидан бемалол ажрати олиш мумкин. Хусусан, «Алломиш» талқинлари», «Йўл одами» монографиялари ўзига хос услубда яратилган.

Қозоқбой Йўлдош – адабиётшунослик илмининг етакчи танқидчиларидан бири сифатида ҳам фаол ижод қилаётганлардан. «Танқидчи» сўзи шаклан у даражада чиройли эшитилавермаса-да, бадиий адабиёт танқидсиз, танқидчиларсиз яшай олмайди. Шу нуқтаи назардан XX асрнинг улғ мутафаккири Маҳмудхўжа Бехбудий «Мажалла ва жаридларнинг катта бир хосияти танқид, яъни сараламоқдир... Таарруз (тўқинлик) ва душманлик эмас», – деб ёзганида, тўла ҳақи эди. Ўзбек адабиётшунослигида «Ёниқ сўз» («Адабий ўйлар») асарининг яратилиши Қозоқбой Йўлдош ижодидагина эмас, ўзбек танқидчилигида ўзига хос воқеа бўлган эди.

Ёзувчи ва шоирлар Қозоқбойни, унинг асар ҳақидаги самимий сўзларини қадрлайдилар. Шунинг учун ҳозирда ҳам ёш ижодкорлар ўз асарлари қўлэмасини олим эътиборидан ўтказиб олишга интиладилар, ўзлари учун мададор деб билдилар. Олим ижодкорлар асарларидаги камчиликларни шу даражада самимий, беозор танқид қилдики, уларни ёзувчи ва шоирлар бажонидил қабул қилдилар, имкони борича тузатишга интиладилар. Ёзувчи Исмоил Шомурод сўзларига қулоқ солинг: «Танқиди кўнгилга ботмас экан, бунинг устига ўз камчилигининг ўзининг қўринаркан-қоларкан. Шундай ишонарли баён қиларкан бу одам ўз фикрини». Ёки Қозоқбойнинг «Шеърятга чакмоқдек чакнаб эмас, балки келинчақдай йиманибгина кириб келган Фарида Афрўз» ҳақидаги мақоласини ўқиб, таҳлил гўзаллигидан ҳайрат бармоғини гизини тийлашсиз.

«Ёниқ сўз»га сўзбоши ёзган атоқли ёзувчи Одил Ёқубов ҳам мунаққиднинг бу фазилатини алоҳида таъкидлайди ва танқидчилигимизда ўзига хос янгилик деб баҳолайди.

Устоз Қозоқбой Йўлдош ҳамма вақт сўз қўллаш масаласига алоҳида аҳамият беради: сўзни нафақат таниб, балки танилаб ҳам ишлатади, ўғайлаб бораётган сўзларини яна истеъмолга олиб қиради. Соф ўзбекча ёки туркий сўзларни қўллашга алоҳида эътибор беради. Унинг асарларини ўқир экансиз, она тилимиз сўзларининг ранг-баранглиги ва гўзаллигидан беихтиёр фаҳр-ифтихор туясиз. Мана улар: сезим, гизли, билгилчи, адабиёт-таниш, ойдиллар, уч берган, оғоч, қўқараш, қўзчил, ингичка, очун, кунчиқаш, кунботиш, тутум, илкинчи, ўйчил, бўғов, эгаманлик, ройиш (рай),

Сийрат

етов (етақлаш), қўйинди, ёвуқ, қуйи эниш, ойбитик, тўхтам, ўтбоши ва бошқалар.

Қозоқбойнинг кейинги йирик асари етук тилшунос олим филология фанлари номзоди, профессор Босим Тўйчибоев (дўстимизни Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) билан биргаликда яратган «Зоминнинг тил қомуси» асаридир. Босим Тўйчибоев асарнинг иккинчи муаллифи институтни янги битираётган Қозоқбой Қашқирли (Йўлдош)га жаҳон эътироф этган ўзбек тилшунос олими Аюб Ғулмоннинг назари тушганлигини айтади. Аслини олганда, тилшунос адабиёт илмини, адабиётшунос тил илмини мукаммал билиши шарт. Шу маънода Қозоқбой бу асарга қадар халқ тилининг ниҳоятда гўзаллигини намойиш этувчи «Зомин сўзлиги», «Туганмас бойликлар булоғи» тадқиқотларини эълон қилганлигини айтиб ўтиш ўринлидир. «Зоминнинг тил қомуси» асарида муаллифлар минг йиллар давомида ишлатиб келинган мақол, матал, ибора, топшмоқ, айтим, лапар, қарғиш каби кичик (миниатюр) жанрларга мансуб сўзлар аввал зомин лаҳжасида, рўпарасида уларнинг ўзбек адабий тилида қўлланилиши берилади. Мазкур асар бундан олтиш йил муқаддам Шотурсун Шомасудов ва Субутой Долимовлар томонидан яратилган «Кенг уйнинг келинчаги» асарини эслатади.

Халқимиз тилида ҳудудлар билан боғлиқ мақол ва иборалар, ҳикматли сўзлар талайгина. Агар Ватанимизнинг турли ҳудудлари бўйича унутилиб бораётган халқона сўзлар йиғилса ва шарҳланса, бир неча жилдди фундаментал тадқиқот дунёга келар, тилимизнинг бутун нафосати кўзга яққол ташланган бўлар эди. Нима учун руслар Владимир Дални (1801-1872) миллат фидойиси сифатида бошига кўтаради? У ўнлаб ўлмас асарлари қаторида шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезиб, 30 мингдан ортқ рус халқи мақол, матал, ибораларини тўплади, шарҳлади. У умрининг эллик йилдан ортигини энг йирик асари «Толковый словарь живого великорусского языка» асарини яратишга бағишлади. Бу миллат маънавиятида ноёб ҳодиса эди.

Қозоқбой Йўлдош фаолият доираси кенг ва ранг-баранг ижод соҳибидир. Шу нуқтаи назардан унинг фарзанди аржуманди Муҳайё Йўлдош билан ҳамкорликда яратган «Бадиий таҳлил асослари» асари юксак мақсад маҳсулидир. Мазкур асарда алоҳида таъкидланганидек, «Бадиий таҳлил асослари» ТошДУ ўзбек филологияси факультетида 1996 йилдан махсус курс, 1998 йилдан танлама фан сифатида ўқитила бошланди. 2004 йилдан эса жиддий муҳокама, мунозара ва синовлардан ўтиб, асосий фанлардан бирига айланди. Шўро даврида ҳам мазкур фанга эҳтиёж катта бўлган, аммо университет ўқув режаси марказда – Москвада тузилар ва тасдиқланар эди. Эндликда эса Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Ватанимиз университетлари филология факультетларида «Бадиий таҳлил асослари» алоҳида фан сифатида ўқув режасидан мустаҳкам ўрин олди.

Қадрдонимиз Қозоқбой сўз санъати аҳлларининг юксак эътирофи ва эътиборини қозонган, илмда ўзига хос мактаб яратган бир пайтда 70-баҳорини қаршиламакда. Мана шундай улғ айёмда биз унга Аллоҳдан ёниқ қалбни ҳаммавақт порлаб туришини, фарзандлар, набралар камолини оиласи билан тўлиқ ҳолда кўришини тилаймиз.

Улуғбек ДОЛИМОВ,
педагогика фанлари доктори,
профессор

Эълонлар

«FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Очик аукцион савдосига жисмоний шахсга тегишли «KAMAZ KC5722» русумли, 2006 йилда и/ч, д/р: 60Н6540А бўлган махсус автотранспорт (автокран) воситаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 420 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йилнинг 3 июнь кунни соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига талабгорлардан талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади.

Талабномалар қабул қилишнинг охириги муддати: 2019 йил 31 май соат 16:00.

Савдо қилиби деб топилган шахсга 10 (ўн) иш кунни ичида сотувчи билан олди-сотида шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар диққатига!

Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситаси 2019 йилнинг 3 июнь кунни савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2019 йил 14 ва 28 июнь кунлари такроран бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий аукцион савдосига аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 (беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини закалат келишув шартномасига асосан «FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖнинг ХАБ «Трастбанк» Фарғона филиалидаги қўйидаги ҳисобрақамига тўлашлари лозим: х/р: 2260 4000 6003 9634 2001. МФО: 01123. СТИР: 303 054 753.

Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳри, С.Темур кўчаси, 45-уй. **Тел.:** (+99895) 402-54-75

Гувоҳнома № 1894.

«Spartak konsalting» масъулияти чекланган жамияти риэлторлик ташкилоти бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Агрокимёхимия» АЖ Қорақўл тумани филиалининг 2019 йил 23 апрелдаги бюртма хатига асосан қўйидаги мулклар очик аукцион савдоларига қўйилмоқда:

1. Бухоро вилояти, Қорақўл тумани, «Қорахожи» МФЙ, Қорахожи қишлоғида жойлашган, умумий майдони 315,0 м², қурилиш майдони 315,0 м² ва фойдали майдони 266,3 м²дан иборат бўлган «Биолаборатория» биноси.

Бошланғич баҳоси – 77 240 110 сўм.

2. Бухоро вилояти, Қорақўл тумани, «Дарғали» МФЙ, Дарғали қишлоғида жойлашган, умумий майдони 296,0 м², қурилиш майдони 122,4 м² ва фойдали майдони 107,8 м²дан иборат бўлган «Биолаборатория» биноси.

Бошланғич баҳоси – 36 241 056 сўм.

3. Бухоро вилояти, Қорақўл тумани, «Хўжалар» МФЙ, Бухоро кўчасида жойлашган, умумий майдони 768,0 м² ва қурилиш майдони 396,8 м²дан иборат бўлган «Ошона» биноси.

Бошланғич баҳоси – 121 486 278 сўм.

4. Бухоро вилояти, Қорақўл тумани, «Жиғачи» ҚФЙ, Жигачи қишлоғида жойлашган, умумий майдони 536,0 м² ва қурилиш майдони 536,0 м²дан иборат бўлган «Жиғачи минерал ўғит сотиш шоҳобчаси» биноси.

Бошланғич баҳоси – 75 604 004 сўм.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагиди талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги бюртманомалар аукцион ташкилотчиси томонидан расмий иш

кунлари соат 9:00дан 18:00гача Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 12-уй манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб қабул қилинади.

Аукцион савдолари 2019 йил 1 июнь кунни соат 11:00да Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 12-уйда бўлиб ўтади.

Бюртманомаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2019 йил 31 май, соат 18:00 гача.

Аукцион қилиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида бинога бўлган ҳуқуқни тасарруф қилиш бўйича олди-сотида шартномасини тузиш ҳамда олди-сотида шартномасига асосан мулк учун тўловларни амалга ошириш юклатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагиди бўлган талабгорлардан

– савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридида закалат пулини тўлаши;

– Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун – паспорт нусхаси;

– хорижий юридик шахслар учун – уларнинг уставини белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси;

– хорижий фуқаролар учун – чет давлат миллий ёки дипломатик паспорт;

– Ўзбекистон Республикасида доимий ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар – яшаш гувоҳномаси нусхаси;

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтгани тўғрисидаги гувоҳнома, низоом нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Мазкур бинолар 2019 йил 1 июнь кунни ўтказиладиган очик аукцион савдосида сотилмаган тақдирда биноларнинг такрорий аукцион савдолари 2019 йилнинг 8,15, 22, 29 июнь, 2019 йилнинг 6,13, 20, 27 июль ва 3,10,17, 24, 31 август кунлари соат 11:00да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий савдо учун бюртманомаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин 18:00да тўхтатилади.

Бюртманомалар иш кунлари (яъни шанба ва яшанба ҳамда байрам кунларидан ташқари) қабул қилинади.

Аукцион савдоларига қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо кунига қадар «Spartak konsalting» масъулияти чекланган жамиятининг Бухоро шаҳар «Ипотeka банк» Сардор филиалидаги қўйидаги ҳисобрақамга тўлашлари шарт: х/р:20208000804942181001, МФО: 00119, СТИР: 302131286.

Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 12-уй. **Тел.:** (0365) 221-51-81. **E-mail:** spartak-konsulting@umail.uz. **Веб-сайт:** www.sk7.uz

Лицензия RR-0079

Менда таклиф бор...

Сўнгги йилларда мамлакатимизда банк-кредит соҳасини ривожлантириш бўйича жадал ислохотлар амалга оширилиб, аҳолига қатор қўлайликлар яратилмоқда. Хусусан, кўп жойларга банк-матлар қўйилиб, нақд пулни ечиб олиш имкони яратилди. Бундан ташқари, валюта бозорини либераллаштириш ва унинг номзод-ний олди-сотдисини бартараф этишга қаратилган изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда.



«Қора бозор» рачон йўқолади?

Ёхуд валюта бозори истиқболлари

Хозирги кунда фуқаролардан банк касаларида валюта қабул қилиниб, эркин равишда айирбошлаш амалга оширилмоқда. Бироқ бу ҳаракатлар бир томонлама бўлиб, банклар амалда валюта маблағларини олиш билангина чекланмоқда, холос. Аниқроғи, фуқароларга нақд валюта эркин равишда сотилмаяпти. Қолаверса, банкларда айирбошлаш тезкор равишда йўлга қўйилгани, айрим банклар (кассалар) ҳали ҳам айирбошлаш билан шуғулланмаётгани сабабли фуқаролар «қора бозор»га мурожаат қилишга мажбур бўлмоқда.


Шу ўринда мазкур ҳолатни бартараф этиш учун жисмоний шахсларга яқка тартибдаги тадбиркор сифатида лицензия асосида валютани айирбошлаш фаолияти билан шуғулланишга (турғун шоҳобчалар орқали) рухсат берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Мазкур фаолият натижасида «БАНК – ЯТТ – ФУҚАРО» занжири пайдо бўлади ва амалда бир қатор муаммоларни ҳал қилади. Аввало, иқтисодиётта миллиардлаб зарар келтирилган «қора бозор» ўз-ўзидан йўқ бўлади. Унинг барча иштирокчилари фаолияти қонунийлаштирилиб, улар солиқ тўловига айланади. Янги иш ўринлари яратилади. Валютанинг банкдан ташқари айланишга барҳам берилади. Энг муҳими, валюта бозорида соғлом рақобат юзага келади.

Достон ЭГАМБЕРДИЕВ,
ИИБ Академияси 3-босқич
курсанти

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги жамоаси вазирлигининг Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларининг конъюктурасини таҳлил қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Рустам

СЛАЙМОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.



НЕГА ИНТЕРНЕТГА МУККАСИДАН КЕТАПМИЗ?

Нега биз Интернет орқали мулоқот қилишга, дўстлашишга уринамиз? Бунга реал ҳаётдаги камчиликларимиз, оғзаки суҳбатга нўноқлик сабабми ёки... Одатда, ҳаётда қандайдир бўшлиқ мавжуд бўлган инсонлар виртуал муносабатларга киришишга мойил бўлади. Улар монитор ёки экран қаршисида ўзларини

сонга ёқаяпманми? деган саволга жавоб олиши мумкин. Бунга чехрадаги ўзгаришлар, мимика, ҳатти-ҳаракатлар, оҳанг ёрдам беради. Виртуал мулоқотда эса бу бир мунча мушкул. Одам ўз ҳолатини яшириш учун турли смайликлардан фойдаланиб, алдаши мумкин. Қолаверса, виртуал муносабатда инсон юз қўришганда айта олмаган гаплари, бера олмаган саволларига жавоб олиш

Facebook тармоғи ҳар бешта ажримдан биттасига сабаб бўляпти. Бунга эса реал ҳаётдаги жуфтидан узоқлашиб, виртуал дўстларга бўлган интилиш сабабидир.

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ХАВФИ

Ушбу тармоқларда инсон шахси доимо хавф остида бўлади. Сизнинг номингиздан истаган киши аккаунт очиб, шаънингизни булғашади ҳам мумкин. Бирининг номидан аккаунт очган кимсаларни судга тортиш сўнгги йилларда кучайган. Айниқса, руҳий жиҳатдан ачинарли ҳолатлар кузатилаётганидир. Масалан, белградлик Снежана Павлович ўзи ёзган статус дўстлари орасида қизиқиш уйғотмагани учун асабийлашиб, руҳий шифохонага тушган. Шундан сўнг бу каби касалликлар шифокорлар томонидан «Снежана синдроми» деб номланди.

ЭНГ ХАВФЛИСИ...

ББСнинг сўнгги янгиликларига кўра, Инстаграм тармоғи инсон руҳиятига салбий таъсир этувчи энг хавфли тармоқ дея таъкидланмоқда. Бунинг сабаби оддий: у ерга юкланган кўн-гилочар суратларни кўрган фойдала-

ятда ҳам уяли телефондан сира воз кечмаслигини тан олган. Атиги 5 фоиз иштирокчиларгина уни ишлатмай яшашларига кўзи етган.

АЛЛА ЎРНИГА «АНЖЕЛА»

Эркаклардан кўра аёллар телефонга кўпроқ тобе экани ҳам тасдиғини топган. Чиндан-да, ҳозирги кунда бешик тебратган аёлнинг нигоҳи ҳам телефон экраниди. Алла айтиш ўрнига экран ортидаги «Анжела» мушугини кийинтириш, овқатлантириш билан банд. Таалабалар кутубхонада ўтирибди, аммо қаршисида китоб эмас, планшет. Планшетларда китоб ўқиш мумкин, бироқ бу босма китобчалик завқ улашмайди. Улар кўз нурига салбий таъсир этади ҳамда бошқа қизиқарли машғулотлар электрон китобни тезроқ ёпишга ундайди. Ишли-хунарни эркаклар ҳам уйга қайтгач, болалар тарбияси билан машғул бўлиш ўрнига, уларга салбий ўрнак кўрсатиб, дарҳол кўл телефонини чиқаради ва унинг ичига шўнғиб кетади. Хатто овқат маҳали, йўлни кесиб ўтаётганда ҳам нигоҳлари телефондан узилмайдиганлар кўпайиб боплади. Баъзида янгиликлар сайтларида тарқалган хабар барчани шошириб қўяди. Ҳолатхонага тушириб юборилган телефон дардида уч нафар инсон ҳалок бўлди. Афсуски, телефонмания неларга олиб келиши ҳақида ўйлаб кўрмаймиз. Ўйласак-да, барибир телефондан воз кечолмаймиз.

РЕАЛ ҲАЁТГА ҚАЙТИНГ!

Болалигингизни бир эсланг. Наҳотки, тармоқларсиз зериккан бўлсангиз? Йўқ, сиз дўстларингиз билан кўчада тўп тепиш, сайр қилиш, қўш-ниларникига кириш, қариндошларингизнинг уйига меҳмонга бориш, китоб ўқиш, кинога тушиш, оила аъзоларингиз билан суҳбат қилиш каби завқли машғулотлар билан банд эдингиз. Ҳозир эса кунингиз қандай ўтмоқда? Бир жойга михланган студия, телефон, планшет, компьютер қаршисида... Ўзингиз ҳам танимаган одамларнинг суратига лайк босиб, постларига изоҳ ёзиб гўё бундан завқланыпсиз. Ҳақиқий завқ, ҳақиқий мулоқот, ҳақиқий бахт эса кўн-гилгизга кўринмапти. Бир дам ўзингизга дам бериб, табиятга бокнинг! Унинг гўзаллигидан баҳра олинг, оилангиз билан дилдан суҳбат қилинг, ота-она-нингизни йўқланг, беморлар ҳолидан хабар олинг. Ана шунда сиз виртуал ва реал ҳаёт ўртасидаги катта фарқни кўрасиз. Кун давомида йўғилиб қолган қанча ишларингизни битирасиз, бир вақтлар олдингизга қўйган орзу мақсадларингиз сари оидимайсиз. Буш вақтингизни чатларда эмас, китоб мутолааси, спорт машғулотлари, хунарга ўрганишга сарфласангиз ҳам маънавиятингиз бойийди, ҳам чиниқасиз, ҳам даромад топасиз. Тармоқларда ўтган вақтингиз учун биров пул тўламайди, тафаккурингиз чархланмайди, танингиз чиниқмайди. Ўйлаб кўринг, сизга қай бири керак?

БУТУНЛАЙ ЧЕКЛАШ КЕРАКМИ?

Йўқ, албатта. Интернет фойдали манба, ундан янгиликларни ўқиш, дўстлар ҳаётидаги воқеалардан хабардор бўлиш, ишга оид масалаларда сайтлардан унумли фойдаланиш мумкин. Ўзингиз учун меъёрий вақт белгиланг олинг. Муҳим ишлар битангина тармоқларга уланг. Оилангизга етарли вақт ажратгач, сўнг виртуал дўстлар билан суҳбат қилинг. Энг муҳими, қарамликка қарши иммунитет шакллантиринг!



Нодирабегим ИБРОХИМОВА,
журналист

НИГОҲ

Мавзуга қайтиб

Сўзининг буюк куч эканлигини ҳеч ким инкор этолмайди. Унинг инсон онига ижобий ёхуд акс таъсир кучи қўламини сўз билан ифодалаш қийин. Шу маънода мавзуга айланган «Фуқаро» сўзи ҳам инсон онига шундай салбий таъсир кўрсатадики, ундан миллионлаб одамларнинг руҳияти заҳарланади. Бу акс таъсирни Ўзбекистон Республикаси психиатрлар ассоциацияси раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор З.Ашуров қуйидагича изоҳлайди: «Мен психиатр ва психолог олим сифатида шунини алоҳида таъкидлашим лозимки, ҳақоратли сўз, шу жумладан, «фуқаро» ҳам миллионлаб инсонлар миясига ўтириб қолса, унинг руҳий асоратлари жиддий бўлади».



«ФАҚИР, ИҚБОН, «БЕККИ»-КА
ЎТТИН ФУҚАРА ИТМАДИМИ?»
З.Ашуров психиатрлар ассоциацияси раиси

БИЗ МИСКИН ЭМАСМИЗ

ёхуд «фуқаро» сўзи ҳақида тиббиётчилар фикри

Олимнинг сўзларидан шундай хулоса чиқадики, «Фуқаро»ни ислоҳ қилмас эканмиз, йиллар ўтиши билан бу маънавий бўҳрон ген орқали авлоддан-авлодга ўтади ва миллатнинг руҳини сўндиради. Бу жараён инсон миясининг ўзига хос аналитик марказларига шундай муҳрланиб қоладики, бу ҳолатни на тилшунос, на шоир, на ёзувчи, на журналист ёки бошқа соҳа вакиллари изоҳлай олади. Бундай жараёнларни тушуниш учун одам анатомияси, патология анатомияси, топография анатомияси, физиология, патология физиологияси, генетика, психология, психиатрия ва тиббиётга оид бошқа фанлардан етарли билимга эга бўлиш керак. Шу сабабдан «фуқаро» атамасини истеъмолдан чиқариб ташлаш масаласига бош қўйиш шифокорлар учун ҳам муқаддас бурч деб ўйлаймиз.

Психосоматик тиббиёт бўйича махсус профессионал илмга эга бўлмаган ва даволаш жараёнида психотерапияни профессионал даражада қўллашни билмайдиган шифокорлар адашиши мумкин бўлган бир пайтда бошқа соҳа вакиллари тўғрисида гапириш ортиқчадир. Агар республикамиздаги тиббиёт академияси, институтларида «Тиббий психология ва психотерапия» кафедралари, республикада эса «Психосоматик тиббиёт ва психотерапия» илмий маркази ташкил этилса, келгусида «фуқаро»га ўхшаш аҳоли руҳиятига таъсир этувчи атамаларни ишлатишда ҳар хил чалкашликларга йўл қўйилмас эди. Бундан ташқари, жамиятга ижтимоий сўзлашув орқали кириб келиб, матбуот ва адабиёт, жамоат ҳамда давлат иш юритувига сингиб кетадиган сўзлар ва атамаларни, албатта, психолог олимлар таҳлилидан ўтказсак, фойдадан холи бўлмайди.

Биз «фуқаро» атамаси юзасидан жуда кўп соҳа вакиллари билан суҳбатлашдик. Қуйида ўз касби устаси нейрорепсихолог профессор З.Ибодуллоев сўзларидан иқтибос келтирамиз: «Инсон руҳиятига ҳамла қилманг, оқибати сиз учун ҳам, унинг ўзи учун ҳам ёмон бўлади. ...генлар сизнинг авлоддан ҳеч қандай қўч қилмайдими. Буюклик генлари бориб-бориб неварга, эвара ёки чеварада намоён бўлади. ...Сўз – буюк куч! Албатта, у тўғри танланган бўлса. Аксинча, у ёвуз кучга айланади ва миямизни заҳарлаб руҳиятимизни синдиради. Минглаб касалликлар нотўғри ишлатилган сўздан ривожланади. Ҳақоратли сўз



Рўзमत
ТОЖМУРАТОВ,
тиббиёт фанлари номзоди

Виртуал ва реал олам ораллиғида

хавфсиз ва эркин сезади. Ўзига ишонган, атрофдагиларнинг меҳрини қозонган ва ҳамиша ўзидан кўнгли тўлган одамларнинг онлайн суҳбатдошга унчалик эҳтиёжман эмас.

ВИРТУАЛ МУНОСАБАТЛАР МАНБАСИ

Ижтимоий тармоқлар – замонавий мулоқотнинг муҳим туридир. «В контакте» ва Facebook орқали ҳамкасблар, маслақдошлар фикрини билиш, ўз мулоҳазаларингизни ўртоқлашиш мумкин. Твиттер ва Инстаграмда эса ҳаётингиздаги ёрқин лаҳзаларни дўстларга улашиш имкони бор. Одноклассники ва Facebook тармоқлари, Телеграм, Инстаграм, Агент мессенжери орқали алмашиладиган матнлар, томоша қилинадиган суратлар, муҳокама этиладиган статуслар оқими кун давомида бизни ўзига боғлаб туради. Улар сокин ҳаётдан кўп марта қизиқ ва жозибали. Авваллига шунчаки қизиққан бўлсангиз, кейинчалик ўз ҳаётингизни бошқа фойдаланувчилар билан солиштириб бошлайсиз. Уларга қараб туриб ўз турмуш тарзингиз жўн, зериқарли кўринади. Ҳавас ҳасадга ўрин бўшади...

ФАРҚИ НИМАДА?

Албатта, катта фарқ мавжуд. Реал суҳбатларда одам «қаршисидаги ин-

имконига эга. Реал ҳаётда эса... Тортиниш, уялиш, андиша, нўноқлик ҳисси бунга йўл қўймаслиги мумкин. Интернетдаги суҳбатдошнингизни сиз ўзингиз қандай тасаввур этишни истаган бўлсангиз, шундай қабул қиласиз. Энди сиз бемор танишингизнинг ҳолини чат орқали сўраб қўя қоласиз. Олисдаги қондошларингизни ҳам видеоалоқа ёрдамида йўқлайсиз. Ёнингиздаги жуфтингизнинг мушук нигоҳларини пайқамай виртуал дўстларингиз билан ёзишда давом этасиз. Охири-оқибат бу ҳаёт қалбингиздаги туйғуларни сўндириб, совуққон, одамови, эътиборсиз кимсага айлантириб қўйганини сезмай ҳам қоласиз.

ЗАМОНАВИЙ ХАСТАЛИК

Йигирма биринчи асрга хос касаллик бўлган интернетга тобелик тармоқларга ўта берилиб кетиш оқибатида юзга келади. Ушбу қарамлик ҳолатида сиз кун давомида асосий вақтингизни тармоқларда ўтказасиз, реал ҳаётдаги муҳим юмушларингизга улгурмайсиз. Кун бўйи бир варақчага беш соатдан ортиқ монитор қаршисида михланиб қолдингизми, демак, ушбу касалликка чалингансиз. Чикаго университети олимларининг айтишича, интернетга қарамлик алкоголь ва тамакига бўлган қарамликдан кўра кучлироқ. Гарвард университети олимларининг кузатувлари эса янада ғаройиб. Улар тармоқларга муккасидан кетган одамларни ўша ҳолатда МРТ қилиб қўришганда ижтимоий тармоқларга уланишдан сўнг мияда лаззат, қониқиш ҳиссини берувчи нуқталар ишлай бошлаган. Одатда бу ҳолат мазали егулик истеъмол қилганда ёки сеvimли инсон билан вақт ўтказганда фаоллашади.

АЖРИМЛАР САБАБИ...

Яқинда Америка социологлари ўз тадқиқотларини тақдим этди. Унга кўра

нувчи ўз ҳаётидан нолийди, қониқмайдди, тушун-ликка тушади. Маълумки, Инстаграмда асосан машҳур юлдузлар ва бадавлат инсонларнинг суратлари кўп муҳокамаларга учрайди. Уларнинг бир бирдан ранг-баранг расмлари эса оддий инсонларнинг ҳаётидан тубдан фарқ қилади. Фойдаланувчилар ўз реал ҳаётидан кўра уларнинг ҳаётига кўпроқ қизиқа бошлайдди.

ТЕЛЕФОН – ТАФАККУР КУШАНДИСИ

Ҳозир ҳаммамнинг қўлида телефон бор. Оддий эмас, ўзида ўнлаб функцияларни жамлаган замонавий аппарат. Ўзингизни бир таҳлил қилинг. Авваллига мобиль телефонда фақат дўст-у қариндошлар билан зарур пайтларда гаплашардингиз. Сўнгга унга аста боғланиб бордингиз: бекорчиликда дугона ёки ошоналар билан узоқ суҳбатлар, интернет тўридаги ижтимоий тармоқларга аъзо бўлиш, «нон-стоп» тарзида СМСлардан фойдаланиш, қизиқарли ўйинларда очко йиғиш... Кун бўйи бирор марта телефонга мурожаат этмаган пайтингиз бўлганми? Агар у бузилиб қолса ёки пули тугаса, ташвишга тушиб қоласизми? Кўчага чиқсангиз-у, уйда телефонни унутиб қолдирган бўлсангиз, уйга қайтиб кирасизми? Демак, сиз телефонмания хасталигига чалингансиз!

Рухшуносларнинг таъкидлашича, сўнгги йилларда телефон билан боғлиқ руҳий ҳолатлар кўпайиб борапти. Бу матоҳга ўта қаттиқ боғланиб қолган инсонлар ўз хоҳишлари билан ундан узилолмаётгани, бундай «хаста» инсонларга мутахассислар кўмаги зарур. Россиядаги статистик излашларнинг кўрсатишича, 18 ёшдан катта инсонлар ўртасида ўтказилган сўровномада уларнинг 57 фоизи ҳар қандай вази-

Рухшуносларнинг таъкидлашича, сўнгги йилларда телефон билан боғлиқ руҳий ҳолатлар кўпайиб борапти. Бу матоҳга ўта қаттиқ боғланиб қолган инсонлар ўз хоҳишлари билан ундан узилолмаётгани, бундай «хаста» инсонларга мутахассислар кўмаги зарур.

Ҳикмат

Ёшларга кўзуга кўпроқ боқиларини маслаҳат бераман. Токи уларнинг хушсураглари ўз хушларини шарманда этмасинлар, бадбашаралари эса хунуқликларини одоблари билан безасинлар.

СУҚРОТ

МУАССИС:



2007 йил 11 январда
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
116-рақам билан рўйхатга
олинган.

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касбаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хукук ва ҳалқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон
Республикаси Президентининг фармон ва
қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий,
танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни
билан танишингиз мумкин.

Манзиллими:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-йў.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг: сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер
марказида терилиди ва саҳифаланади.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Тўрқон кўчаси, 41-йў.

Тахририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЗД: 58130

Худудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон
Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-25
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилгани шарт.
Муаллифлар фикри тахририят нўқтан
назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

С. Абдурахмонов

Мусахҳиш:

С. Шодиева

Саҳифаловчи:

Х. Абдуқалилов

ЎЗА яқини – 23:15

Тошхирлиди – 23:50

Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

Буюртма Г – 517.

30112 нусхада босилди.

Нашр қўратқичи: 133